

Ўғрининг қалби қаттиқ бўлади



08:00 / 06.01.2019 2714

Ибн Насавийнинг ҳузурига ўғирликда айбланган икки кишини олиб келишди. Насавий уларни ўтирғизиби, бир идишда сув келтиришни буюрди. Сувни ичаётиб, идишни атайин қўлидан ташлаб юборди. Идиш ерга тушиб, синди. Олиб келинганларнинг бири унинг синганидан безовталанди. Ибн Насавий безовта бўлган кишига «Сен кетавер», деди-да, иккинчисига: «Ўғирланган нарсангни қайтар», деди. Кейин Ибн Насавийдан: «Буни қаердан билдингиз?» деб сўрашган эди, шундай деди: «Ўғри ҳар нарсага безовта бўлавермайди, чунки унинг қалби қаттиқ бўлади. Безовта бўлган киши эса ўғри бўла олмайди, чунки уйда бир сичқон ҳаракат қилса ҳам, уни безовта қилади ва ўғирлик қила олмайди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан